

Умумхалқ хайрия ҳашари

Баҳор фаслида барча ҳудудларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари авж олади. Шаҳар ва қишлоқлар, маҳалла ва кўчаларда турли ҳашар тадбирлари уюштирилади. Маълумки, ҳалқимиз маънавиятида, қадриятларида бошқа ҳалқлар ўрганса ва ўз тажрибасида қўллашга арзийдиган кўпгина ибратли тажрибалари мавжуд. Масалан, ҳашар деб аталган тадбир кўпчиликни бирдамликка, аҳилликка ва меҳр-оқибатга ундаши билан ажралиб туради. Мазкур тадбирда ёшу-кекса отахонларимиз иштирок этиб, фарзандлару, набираларга ҳалқимиз маънавиятида, тарихида бир неча юз йилликлардан бўён эъзозланиб келинаётган урф-одатлар, қадриятларнинг мазмун-моҳияти ҳақида тушунишилар берадилар.



Бугун "Ер ресурсларини бошқариш" факултети талаба-ёшлари ва профессор-ўқитувчилари «Наврўз» умумхалқ байрамини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўриш, ҳалқимиз орасида миллий қадриятларимизга хос бўлган ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтириш, беғараз ёрдам, меҳр-муруват каби эзгу фазилатларни юксалтириш, таълим муассасаларида ва ташкилотларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва ҳудудларда санитария ҳолатларини яхшилаш мақсадида умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди. Ушбу ҳашарда барча иштирок этди. Унда факултетга қарашли ер участкалари ва ҳудудларида факултет атрофини ободонлаштириш ишларига ўз ҳиссаларини қўшишди.

**ЕРБ факултети Ёшлар билан ишлаш бўйича декан мувовини Ҳуррият Эшова ахбороти
ТИҚҲММИ матбуот хизмати**